



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 23 » июль

№ 450

Toshkent sh.

Цемент импорти тартибини соддалаштириш ҳамда ички бозорни сифатли цемент билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Цементни импорт асосида республикага олиб киришда хўжалик юритувчи субъектларга қулайлик яратиш ҳамда ички бозорни сифатли цемент билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

Цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ички бозорни сифатли цемент билан таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;

Цемент импортини соддалаштирилган тартибда амалга ошириш ҳамда ички бозорда унинг сифатини назорат қилиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлигининг республикага олиб кириладиган цементни эркин муомалага чиқаришни соддалаштирилган тартиб асосида амалга ошириш амалиётини қўллаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан. Бунда:

цемент республика ҳудудига олиб кирилгунга қадар импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъект ва жисмоний шахс (кейинги ўринларда – импорт қилувчи) томонидан ихтиёрийлик асосида унинг намуналари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун сертификатлаштириш органига тақдим этилади, бунда маҳсулотни эркин муомалага чиқариш (“ИМ 40” режимига ўtkазиш) давлат божхона хизмати органлари томонидан тегишли мувофиқлик сертификати асосида амалга оширилади, божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи белгилари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно;

цемент аввал олиб кирилган ва охирги ўн икки ой давомида бир ишлаб чиқарувчининг цемент маҳсулотига нисбатан берилган мувофиқлик сертификати асосида (амал қилиш муддатидан қатъи назар) ушбу ишлаб чиқарувчининг кейинги маҳсулоти импорт қилувчи томонидан республика худудига олиб кирилган ҳолларда “Ягона дарча” божхона ахборот тизимида маҳсулотни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун сертификатлаштириш органининг ариза бўйича қабул қилган қарори давлат божхона хизмати органлари томонидан маҳсулотни эркин муомалага чиқаришга асос бўлади, божхона қонун хужжатларининг бузилиши хавфи белгилари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда аризада кўрсатилган миқдордаги цемент сифати бўйича даврий равишда лаборатория синовлари амалга оширилади ва натижалари бўйича импорт қилувчига синов баённомаси тақдим этилади.

Ҳар бир божхона юк декларацияси бўйича маълумот сертификатлаштириш органига “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали юборилади ва цемент эркин муомалага чиқарилганда сертификатлаштириш органи билан импорт қилувчи ўртасида тузилган шартнома доирасида цементни хавф-хатарларни таҳлил қилиш асосида даврий равишда лаборатория синовларидан ўтказилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

лаборатория синови натижаларига кўра цемент белгиланган талабларга номувофиқ деб топилган тақдирда, бу ҳақда бир кун муддатда сертификатлаштириш органи томонидан импорт қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва “Ўзстандарт” агентлиги хабардор қилинади;

белгиланган талабларга номувофиқ деб топилган цементни олиб кирган импорт қилувчи олти ой муддат давомида ушбу маҳсулотни эркин муомалага чиқаришда соддалаштирилган тизимдан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлмайди;

“Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) сертификатлаштириш органларининг хабарномасига кўра белгиланган талабларга номувофиқ бўлган маҳсулотни сотишни ва ундан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида импорт қилувчига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги Департамент билан биргаликда ички бозордаги цемент маҳсулотлари сифатини ўрганиш мақсадида чакана савдо шохобчаларида назорат харидларини амалга оширсин ва маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиб борсин.

5. “Ўзстандарт” агентлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуидагиларни назарда тутувчи тегишли қонун лойиҳасини киритсин:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган цементни олиб кирганлиги;

ички бозорда цемент маҳсулотларини чакана сотишда истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлиги учун жарималар қўллаш.

6. Департамент ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга номувофик бўлган цемент маҳсулоти ҳамда истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишига олиб келган ҳолатлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 24 апрелдаги 348-сон қарорига 3-иловага мувофик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” июлдаги 450-сон қарорига
1-илова

**Цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда
ички бозорни сифатли цемент билан таъминлаш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Республикада цемент ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш бўйича				
1	Республикада фаолият юритаётган цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2020 йил II ярмида 9 060,2 минг тонна (<i>I ярим йилликка нисбатан 166% кўп</i>) цемент (<i>1-иловага мувофиқ график асосида</i>) ишлаб чиқаришни таъминлаш.	Клинкер ва цемент маҳсулотларини узлуксиз ишлаб чиқаришни таъминлаш	Ҳар бир корхона бўйича ишлаб чиқилган графикка мувофиқ (1-илова)	“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси (<i>Б.Зарипов</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>С.Бекенов</i>), “Олмалиқ КМК” АЖ (<i>А.Хурсанов</i>)
2	2020-2021 йилларда 1 129 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш хисобига 14,5 млн. тонна цемент ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни (<i>2-иловага мувофиқ рўйхат асосида</i>) ишга тушириш, шу жумладан: 2020 йил – 7 та лойиха (395 млн АҚШ долл., 5 410 минг тонна); 2021 йил – 11 та лойиха (734 млн АҚШ долл., 9 100 минг тонна).	Ускуналарнинг етказилишини таъминлаш Курилиш-монтаж ишларни амалга ошириш Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Ҳар бир корхонанинг техник-иктисодий асосномасига мувофиқ	“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси (<i>Б.Зарипов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилиги (<i>Умурзаков</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>С.Бекенов</i>)
3	Маҳаллий цемент ишлаб чиқарувчилар томонидан (<i>3-иловага мувофиқ</i>) цементни биржа савдоларига қўйиб бориши.	6 та йирик ва кичик корхоналар томонидан цементни биржа	Кунлик график асосида	“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси (<i>Б.Зарипов</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н.Шарипов</i>),

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Тасдиқланган ойлик графиклар (савдо кунларига тенг тақсимланган) бўйича цементнинг биржа совдаларига қўйилишини доимий назорат қилиш.	савдоларига 2020 йил 1 августидан бошлаб кунига 40 минг тоннадан кам бўлмаган ҳажмда қўйиш, Ҳар бир йирик цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарга масъул вакиллар бириктириб, кунлик мониторинг олиб бориш.		Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси (З.Бадриддинов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Бекенов), “Олмалиқ КМК” АЖ (А.Хурсанов)
4	Биржа савдоларига қўйиладиган цемент ҳақида ҳар бир худуд (туман, шаҳар), шу жумладан цемент маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар кесимида ҳамда биржа савдоларида харид қилинган цемент ҳажмлари, уларнинг ўртача нархлари ва маркалари тўғрисидаги маълумотларни Республика товар-хомашё биржасининг расмий веб-сайтида жойлаштириб бориш.	Амалий чора- тадбирлар	июль-декабрь	Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси (З.Бадриддинов), Монополияга қарши курашиш кўмитаси (Н.Шарипов)
5	Республикадаги цемент ишлаб чиқариш корхоналарининг узлуксиз ишлишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳажм ва сифатдаги табиий газ ҳамда электр	897,0 млн куб м. газ ва 1 112,7 млн кВт/с. электр энергиясини	2020 йил июль – декабрь	Энергетика вазирлиги (А.Султанов), “Ўзтрансгаз” АЖ (У.Сайдов), “Худудгаузтаъминот” АЖ

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	энергиясини (4-иловага мувофиқ) етказиб бериш.	етказиб бериш		(Б.Эшмуратов), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (У.Мустафоев)
6	<p>Биржада сотилган юқори ликвидли маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш бўйича логистик хизматларни кўрсатишга мўлжалланган маҳсус электрон савдо майдончасини ташкил этиш.</p> <p>Бунда биржа иштирокчилари учун логистика хизматлари бўйича 24/7 режимида ишлайдиган call-марказ ҳамда юк ҳаракати тўғрисидаги SMS огоҳлантируви хизматини ташкил этиш ва маҳсулотни электрон навбат бўйича юқлаш назарда тутилсин.</p>	<p>Дастур таъминотини ишлаб чиқиш</p> <p>Компьютер ва бошқа техник ускуналарни харид қилиш</p> <p>Тизимни ишга тушириш</p>	2020 йил 1 сентябрь	Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси (З.Бадриддинов), Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев)
7	<p>Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 9 та цемент заводига (“Шўрсув” МФЙ ва “Кўқон” ЭИЗ) 37 км ва “Farg'ona Yasin qurilish mollari” МЧЖга 15 км;</p> <p>Андижон вилоятининг Кўргонтепа туманидаги “Ишончли посбон текстиль” МЧЖга 4,5 км, Хўжаобод туманидаги “Rash milk” МЧЖга 20 км узунликда оптимал логистика схемасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2020 йил 1 октябрь	Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси (Б.Зарипов), корхона раҳбарлари
II. Республикага соддалаштирилган тартибда хориждан цемент олиб кирилишини ташкил қилиш				
8	Цемент импорт қилувчи субъектлар, сертификатлаштириш органлари, Давлат божхона қўмитаси, Курилиш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Монополияга қарши	Компьютер ва бошқа техник ускуналарини харид қилиш,	2020 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов), “Ўзстандарт” агентлиги (Д.Саттаров),

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	курашиш кўмитаси ўртасида электрон ахборот алмашинуви майдончасини ташкил қилиш. Бунда импорт қилинган цемент маҳсулотларининг белгиланган меъёрлар ва мазкур қарор талабларига мос (ёки мос эмаслиги), олиб кирилган цемент ҳажми, соддалаштирилган тартибда цемент олиб кириш ва сертификатлаштириш хуқуқига эга бўлган ҳамда “қора рўйхат”га кирган субъектлар тўғрисида маълумотлар бўлишини назарда тутиш.	Тизимни ишга тушириш		Монополияга қарши курашиш кўмитаси (<i>Н.Шарипов</i>)
9	Ички бозордаги цемент маҳсулотлари сифатини ўрганиш мақсадида назорат харидларини амалга ошириш ҳамда уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Монополияга қарши курашиш кўмитаси (<i>Н.Шарипов</i>), “Ўзстандарт” агентлиги (<i>Д.Саттаров</i>)
III. Норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш				
10	Қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	Норматив-хуқуқий хужжат	2020 йил август	“Ўзстандарт” агентлиги (<i>Д.Саттаров</i>), Монополияга қарши курашиш кўмитаси (<i>Н.Шарипов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
11	Ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш.	Норматив-хуқуқий хужжат	2020 йил август	“Ўзстандарт” агентлиги (<i>Д.Саттаров</i>), Монополияга қарши курашиш кўмитаси (<i>Н.Шарипов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
IV. Оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига мазкур қарор мазмунини кенг ёритиш				
12	Цемент импорт қилувчи субъектларга ва сертификатлаштириш органларига, шу жумладан трейдер, курилиш ташкилотлари ва йирик тадбиркорларга цементни соддалаштирилган тартибда республикага олиб кириш тизимини тушунтириш ва уларга буклетлар тарқатитш, учрашувлар ўтказиш.	Амалий чора-тадбирлар	2020 йил июль - сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (<i>М.Азимов</i>), “Ўзстандарт” агентлиги (<i>Д.Саттаров</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н.Шарипов</i>)
13	Биржага қўйилаётган цемент ҳажмлари, ушбу савдоларда иштирок этаётган талабгорлар ва харидорлар сони, шунингдек, биржа савдоларида шаклланаётган кунлик цемент маҳсулоти котировкалари тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда мақолалар берib бориш	Хар ҳафта	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н.Шарипов</i>), Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси (<i>З.Бадриддинов</i>), ЎзМТРК (<i>А.Хаджсаев</i>)

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2020 йил якунига қадар цемент ишлаб чиқариш
ГРАФИГИ**

минг тонна

T/p	Корхоналар	2020 йил I ярим йилликда ишлаб чиқарылган цемент	2020 йил II ярим йилликда ишлаб чиқарылган цемент	2020 йил 3-чорак						2020 йил 4-чорак					
				июль	шу жумладан кунлик	август	шу жумладан кунлик	сентябрь	шу жумладан кунлик	октябрь	шу жумладан кунлик	ноябрь	шу жумладан кунлик	декабрь	шу жумладан кунлик
	ЖАМИ	5 442,1	9 060,2	1 312,5	42,3	1 432,5	46,2	1 518,0	50,6	1 716,3	55,4	1 589,3	53,0	1 491,6	48,1
	Йирик корхоналар	4 285,6	5 501,6	954,0	30,8	974,0	31,4	963,0	32,1	945,0	30,5	858,0	28,6	807,6	26,1
1	"Кизилкумцемент" АЖ	1 750,0	1 880,0	330,0	10,6	350,0	11,3	340,0	11,3	340,0	11,0	274,0	9,1	246,0	7,9
2	"Оҳангаронцемент" АЖ (эски "хўл" усул)	745,8	1 054,2	180,0	5,8	180,0	5,8	180,0	6,0	180,0	5,8	172,0	5,7	162,2	5,2
3	"Кувасойцемент" АЖ	401,8	560,0	97,0	3,1	97,0	3,1	96,0	3,2	95,0	3,1	90,0	3,0	85,0	2,7
4	"Бекободцемент" АЖ *	549,0	555,0	100,0	3,2	100,0	3,2	100,0	3,3	90,0	2,9	85,0	2,8	80,0	2,6
5	«Олмалик КМК» АЖ	838,9	1 452,4	247,0	8,0	247,0	8,0	247,0	8,2	240,0	7,7	237,0	7,9	234,4	7,6
	Жиззах цемент заводи	373,6	591,4	100,0	3,2	100,0	3,2	100,0	3,3	100,0	3,2	97,0	3,2	94,4	3,0
	Шеробод цемент заводи	465,3	861,0	147,0	4,7	147,0	4,7	147,0	4,9	140,0	4,5	140,0	4,7	140,0	4,5
	Кичик корхоналар	1 149,6	1 938,6	310,5	10,0	325,5	10,5	337,0	11,2	349,3	11,3	324,3	10,8	292,0	9,4
6	"Фарғонацемент" МЧЖ ҚҚ	59,6	96,0	16,0	0,5	16,0	0,5	16,0	0,5	16,0	0,5	16,0	0,5	16,0	0,5
7	"Қорақалпокцемент" МЧЖ ҚҚ	145,7	149,0	28,0	0,9	27,0	0,9	26,0	0,9	25,0	0,8	23,0	0,8	20,0	0,6
8	"Турон Эко Цемент Групп" МЧЖ	93,1	285,0	40,0	1,3	40,0	1,3	40,0	1,3	55,0	1,8	55,0	1,8	55,0	1,8
9	"Эверест Металл Фаворит" МЧЖ	3,0	57,0	0,0	0,0	8,0	0,3	15,0	0,5	13,0	0,4	11,0	0,4	10,0	0,3
10	"Шўрсув Цемент" МЧЖ	24,8	30,0	5,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2
11	"Мароканд Кабел Инвест" МЧЖ	8,5	36,0	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2
12	"Қизилтепацемент" МЧЖ (" Оқ Олтин Капитал Сервис " МЧЖ)	21,3	33,0	5,5	0,2	5,5	0,2	5,5	0,2	5,5	0,2	5,5	0,2	5,5	0,2
13	"Сурхонцементинвест" МЧЖ	86,5	142,0	20,0	0,6	20,0	0,6	20,0	0,7	30,0	1,0	30,0	1,0	22,0	0,7
14	"Дал Техник Зомин Цемент энд Лайм" МЧЖ	42,3	68,0	12,0	0,4	12,0	0,4	12,0	0,4	11,0	0,4	11,0	0,4	10,0	0,3
15	"Наманган Цемент" МЧЖ	80,7	76,0	15,0	0,5	15,0	0,5	15,0	0,5	13,0	0,4	10,0	0,3	8,0	0,3
16	"Azia Elegant Star" ("Буюк") МЧЖ	16,6	23,4	4,0	0,1	4,0	0,1	4,0	0,1	3,8	0,1	3,8	0,1	3,8	0,1
17	"Жомбой Яшил Чироклари" МЧЖ	38,1	62,0	13,0	0,4	13,0	0,4	12,0	0,4	10,0	0,3	8,0	0,3	6,0	0,2
18	"Indigo Sand Trade" МЧЖ	24,7	43,0	7,5	0,2	7,5	0,2	7,0	0,2	7,0	0,2	7,0	0,2	7,0	0,2
19	"Фарҳод Шифер" МЧЖ ("Жомбой Цемент")	27,2	33,0	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2	5,0	0,2	4,0	0,1
20	"Яйлан Шифер" МЧЖ	11,2	30,0	5,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2
21	"Titan Cement" МЧЖ ҚҚ	65,3	90,0	15,0	0,5	15,0	0,5	15,0	0,5	15,0	0,5	15,0	0,5	15,0	0,5
22	"Rash Milk" МЧЖ ("Синг Лид")	46,3	53,7	10,0	0,3	10,0	0,3	10,0	0,3	9,0	0,3	8,0	0,3	6,7	0,2

Т/Р	Корхоналар	2020 йил I ярим йилликда ишлаб чиқарылған цемент	2020 йил II ярим йилликда ишлаб чиқарылған цемент	2020 йил 3-чорак						2020 йил 4-чорак					
				июль	шұ жумладан күнлік	август	шұ жумладан күнлік	сентябрь	шұ жумладан күнлік	октябрь	шұ жумладан күнлік	ноябрь	шұ жумладан күнлік	декабрь	шұ жумладан күнлік
23	"Илфор Йигириувчи" МЧЖ	23,2	31,5	6,5	0,2	6,5	0,2	6,5	0,2	6,0	0,2	4,0	0,1	2,0	0,1
24	"Кезар" МЧЖ	14,9	18,0	3,0	0,1	3,0	0,1	3,0	0,1	3,0	0,1	3,0	0,1	3,0	0,1
25	"Фарғона Ясин Курниш Модлари" МЧЖ	106,2	395,0	70,0	2,3	70,0	2,3	70,0	2,3	70,0	2,3	60,0	2,0	55,0	1,8
26	"Great Silk Road Servis" МЧЖ	37,3	36,0	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2	6,0	0,2
27	"Moderna Cement Industries" МЧЖ	27,6	63,0	0,0	0,0	8,0	0,3	15,0	0,5	15,0	0,5	15,0	0,5	10,0	0,3
28	"Базис" МЧЖ (цемент майдалаш)	106,3	47,0	10,0	0,3	10,0	0,3	10,0	0,3	7,0	0,2	5,0	0,2	5,0	0,2
29	"Юггазцемент" МЧЖ (цемент майдалаш)	39,2	41,0	7,0	0,2	7,0	0,2	7,0	0,2	7,0	0,2	7,0	0,2	6,0	0,2
	Янги лойихалар	7,0	1 620,0	48,0	1,5	133,0	4,3	218,0	7,3	422,0	13,6	407,0	13,6	392,0	12,6
30	"Янгийүл цемент майдалаш цехи" ("Бекободцемент" АЖ)	0,0	285,0	15,0	0,5	50,0	1,6	70,0	2,3	60,0	1,9	50,0	1,7	40,0	1,3
31	"Хуаксин Цемент Жиззах" МЧЖ	0,0	626,0	30,0	1,0	80,0	2,6	100,0	3,3	140,0	4,5	140,0	4,7	136,0	4,4
32	"Охандаронцемент" АЖ (янги "құруқ" усул)	0,0	645,0	0,0	0,0	0,0	0,0	45,0	1,5	200,0	6,5	200,0	6,7	200,0	6,5
33	"Қурилиш Ашө Сифат Сервис" МЧЖ	7,0	14,0	3,0	0,1	3,0	0,1	3,0	0,1	2,0	0,1	2,0	0,1	1,0	0,0
34	"Жаҳон Евро Сервис" МЧЖ	0,0	30,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	10,0	0,3	10,0	0,3	10,0	0,3
35	"Самарканд Афросиёб Цемент" МЧЖ	0,0	20,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	10,0	0,3	5,0	0,2	5,0	0,2

Изоҳ: ұар бир корхона кесимида табиий газ ва электр энергияси ҳамда күмір өңгілгісі күнлік, ойлық ұажмаларда тұлғы; ва ўз вақтида таъминланғасына, жоғоридагы күрсаткічлар болжарылады.

Цемент ишлаб чиқарылғаннан бозордағы мәвжуд талабға асасан амана ошириледі және ұажми ишлаб чиқарылған клинкер бүйінча ұсқобланады.

Цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини
ошириш ҳамда ички бозорни сифатли цемент билан
таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”га
2-илова

**2020-2021 йилларда цемент ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга туширадиган корхоналар
РЎЙХАТИ**

T/p	Корхоналар	Йиллик қуввати (минг тонна)	Жалб қилинадиган инвестиция (млн АҚШ долл)	Ишга тушириш муддати	2020 йил якунига қадар ишлаб чиқариш ҳажми (минг тонна)
	ЖАМИ (18 та лойиҳа)	14 510	1 129		1 808
	2020 йилда ишга тушириладиган лойиҳалар	5 410	395		1 808
1	"Бекободцемент" АЖ	500	10	2020 йил октябрь	200
2	"Хуаксин Цемент Жиззах" МЧЖ	1 200	150	2020 йил август	626
3	"Оҳангаронцемент" АЖ	2 400	160	2020 йил октябрь	645
4	"Курилиш Ашё Сифат Сервис" МЧЖ	100	25	2020 йил май	2
5	"Жаҳон Евро Сервис" МЧЖ	150	15	2020 йил ноябрь	30
6	"Самарқанд Афросиёб Цемент" МЧЖ	560	35	2020 йил ноябрь	20
7	"Кувасойцемент" АЖнинг Тошкент вилоятидаги "Янгийўл цемент" тегирмони	500	-	2020 йил август	285
	2021 йилда ишга тушириладиган лойиҳалар	9 100	734		
1	"Rash milk" МЧЖ	1 000	110	2021 йил I чорак	
2	"Shaffof Sement Sanoat" ҚҚ МЧЖ	200	25	2021 йил I чорак	
3	"Поп цемент" МЧЖ	200	28	2021 йил I чорак	
4	"Мароканд цемент инвест" МЧЖ	500	30	2021 йил II чорак	
5	"Ишончли посбон текстил" МЧЖ	500	32	2021 йил III чорак	

T/p	Корхоналар	Йиллик қуввати (минг тонна)	Жалб қилинадиган инвестиция (млн АҚШ долл.)	Ишга тушириш муддати	2020 йил якунига қадар ишлаб чиқариш ҳажми (минг тонна)
6	"Бухоро евро цемент" МЧЖ	750	29	2021 йил III чорак	
7	"Farg'ona Yasin qurilish mollari" МЧЖ	1 200	120	2021 йил III чорак	
8	"Қарши конч цемент" МЧЖ	1 200	150	2021 йил IV чорак	
9	"Қизилқұмцемент" АЖ	1 800	110	2021 йил IV чорак	
10	"Наманган цемент" МЧЖ	750	50	2021 йил IV чорак	
11	"Қарақалпокцемент" МЧЖ (3-босқич)	1 000	50	2021 йил IV чорак	

2020 йилнинг II ярим йиллигінде биржа савдоларига күйилдігандын цемент ҳажмлари

(минг тонна)

Т/р	Корхоналар	2020 йилнинг I ярим йиллигінде биржа савдоларига күйилдігандын цемент ҳажмлари (минг. тонна)	2020 йилнинг II ярим йиллигінде биржа савдоларига күйилдігандын цемент ҳажмлари (минг. тонна)	3-чоракда биржа савдоларига күйилдігандын цемент ҳажмлари						4-чоракда биржа савдоларига күйилдігандын цемент ҳажмлари					
				июль	шу жумладан күнлік	август	шу жумладан күнлік	сентябрь	шу жумладан күнлік	октябрь	шу жумладан күнлік	ноябрь	шу жумладан күнлік	декабрь	шу жумладан күнлік
	Жами	4 292,3	5 833,8	962,4	42,5	938,7	44,7	954,0	47,7	1 008,0	48,0	980,7	46,7	990,0	45,0
	Йирик корхоналар	3 969,7	5 034,0	856,6	37,9	825,3	39,3	826,0	41,3	873,6	41,6	825,3	39,3	827,2	37,6
1	"Кизилкүмцемент" АЖ	1 603,7	1 528,3	310,0	14,0	241,5	11,5	230,0	11,5	241,5	11,5	245,7	11,7	259,6	11,8
2	"Охангаронцемент" АЖ	698,3	1 205,3	157,8	6,9	212,1	10,1	212,0	10,6	252,0	12,0	193,2	9,2	178,2	8,1
3	"Кувасойцемент" АЖ	410,8	499,0	90,0	4,0	84,0	4,0	80,0	4,0	84,0	4,0	84,0	4,0	77,0	3,5
4	"Бекободцемент" АЖ	531,2	630,5	95,0	4,0	88,2	4,2	108,0	5,4	107,1	5,1	113,4	5,4	118,8	5,4
	«Олмалиқ КМК» АЖ	725,7	1 170,9	203,8	9,0	199,5	9,5	196,0	9,8	189,0	9,0	189,0	9,0	193,6	8,8
5	Жиззах цемент заводы	342,7	499,5	86,0	3,8	81,9	3,9	80,0	4,0	81,9	3,9	86,1	4,1	83,6	3,8
6	Шеробод цемент заводы	383,0	671,4	117,8	5,2	117,6	5,6	116,0	5,8	107,1	5,1	102,9	4,9	110,0	5,0
	Кичик корхоналар	322,6	799,8	105,8	4,6	113,4	5,4	128,0	6,4	134,4	6,4	155,4	7,4	162,8	7,4

**Республикада цемент ишлаб чиқариш корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун
зарур бўлган табиий газ ва электр энергиясини етказиб бериш**
ГРАФИГИ

Т/р	Корхоналар	Ёқилғи тури	Ўлчов бирлиги	3-чорак			4-чорак		
				июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
Жами		газ	млн.куб.м.	146,5	146,5	146,5	152,5	152,5	152,5
		электр энергияси	млн. кВт.с.	169,9	169,9	169,9	201,0	201,0	201,0
Йирик корхоналар:		газ	млн.куб.м.	121,8	121,8	121,8	130,2	130,2	130,2
		электр энергияси	млн. кВт.с.	115,3	115,3	115,3	141,2	141,2	141,2
1	"Қизилқумцемент" АЖ	газ	млн.куб.м.	35,3	35,3	35,3	33,8	33,8	33,8
		электр энергияси	млн. кВт.с.	48,0	48,0	48,0	49,4	49,4	49,4
2	"Оҳангаронцемент" АЖ	газ	млн.куб.м.	25,2	25,2	25,2	42,0	42,0	42,0
		электр энергияси	млн. кВт.с.	16,3	16,3	16,3	36,2	36,2	36,2
3	"Кувасойцемент" АЖ	газ	млн.куб.м.	17,0	17,0	17,0	15,3	15,3	15,3
		электр энергияси	млн. кВт.с.	10,1	10,1	10,1	11,2	11,2	11,2
4	"Бекободцемент" АЖ	газ	млн.куб.м.	21,0	21,0	21,0	19,0	19,0	19,0
		электр энергияси	млн. кВт.с.	15,5	15,5	15,5	17,5	17,5	17,5
5	Жиззах цемент заводи ("Олмалиқ ТМК" АЖ)	газ	млн.куб.м.	10,0	10,0	10,0	8,4	8,4	8,4
		электр энергияси	млн. кВт.с.	10,6	10,6	10,6	11,4	11,4	11,4
6	Шеробод цемент заводи ("Олмалиқ ТМК" АЖ)	газ	млн.куб.м.	13,3	13,3	13,3	11,7	11,7	11,7
		электр энергияси	млн. кВт.с.	14,8	14,8	14,8	15,5	15,5	15,5
7	Бошқа корхоналар	газ	млн.куб.м.	24,7	24,7	24,7	22,3	22,3	22,3
		электр энергияси	млн. кВт.с.	54,6	54,6	54,6	59,8	59,8	59,8

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” июлдаги 450-сон қарорига
2-илова

**Цемент импортини соддалаштирилган тартибда амалга ошириш
ҳамда ички бозорда унинг сифатини назорат қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
I босқич	Импорт қилувчи ва сертификатлаштириш органи	1. Цемент божхона чегарасига олиб келингунига қадар ихтиёрийлик асосида унинг намуналари синаш учун сертификатлаштириш органига тақдим этилади, бунда цемент партиясига мувофиқлик сертификати олингандан сўнг эркин муомалага чиқарилади. 2. Охирги 12 ой давомида айнан шу турдаги цементга мувофиқлик сертификати мавжуд бўлса, цемент партияси божхона чегарасига олиб келинганда, “Ягона дарча” божхона ахборот тизимида маҳсулотнинг талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун сертификатлаштириш органи қарори асосида маҳсулот эркин муомалага чиқарилади.	28 кун (фақат биринчи марта киришда) 2 кун муддатда
II босқич	Сертификатлаштириш органи	Тузилган шартнома доирасида цементни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги даврий равища лаборатория синовларидан ўтказиб борилади.	Ҳар бир партияни олиб келишда
III босқич	Сертификатлаштириш органи	Синов натижалари бўйича танлаб олинган намуна белгиланган талабларга номувофиқ деб топилса, бу тўғрисида ёзма равища мурожаатчини ва тегишли давлат идораларини хабардор қиласди.	1 кун
IV босқич	“Ўзстандарт агентлиги Департаменти, Божхона қўмитаси	Белгиланган талабларга номувофиқ деб топилган цементни олиб кирган импорт қилувчи олти ой муддат давомида ушбу маҳсулотни эркин муомалага чиқаришда соддалаштирилган тизимдан фойдаланмайди.	Ҳолатлар аниqlанганда
V босқич	“Ўзстандарт агентлиги Департаменти	Талабларга номувофиқ бўлган цемент маҳсулотини сотишни ва ундан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида импорт қилувчига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма беради.	Ҳолатлар аниqlанганда

VI босқич	“Ўзстандарт агентлиги Департаменти, Иқтисодий суд	Талабларга номувофиқ деб топилган цементни сотиш натижасида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган моддий ва маънавий зарар цементни импорт асосида олиб кирган импорт қилувчидан суд тартибида ундирилади.	Холатлар аниқланганда
VII босқич	“Ўзстандарт агентлиги Департаменти, Истъмолчилик хукуқларини химоя қилиш агентлиги	Ички бозордаги цемент маҳсулотлари сифатини ўрганиш мақсадида назорат харидолари амалга оширилади ҳамда уларнинг норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги ўрганилади.	Хавфни таҳлил этиш асосида доимий
VIII босқич	Монополияга қарши курашиш қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги	Белгиланган талабларга номувофиқ бўлган цемент маҳсулоти ҳамда истъмолчилик хукуқларини химоя қилиш қонунчилиги талаблари бузилишига олиб келган ҳолатлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади.	Холатлар аниқланганда



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” июлдаги 450-сон қарорига
3-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг фаолиятини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”
2019 йил 24 апрелдаги 348-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-баннда:

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“Ўзбекистон миллий метрология институти” ва “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхоналари (кейинги ўринларда – “ЎзММИ” ва “Республика ССМ” давлат корхоналари) хизмат кўрсатиш соҳалари кесимида тугатилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлардаги синов ва сертификатлаштириш марказлари давлат корхоналарининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқукий вориси ҳисобланади;”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги “бўлган ва “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аниқланадиган харажатлар Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва шаҳарлардаги синов ва сертификатлаштириш марказларининг” сўzlари “харажатлар “Ўзстандарт” агентлиги билан келишилган ҳолда “ЎзММИ” давлат корхонасининг” сўzlари билан алмаштирилсин.

2. 4-баннда:

иккинчи хатбошига “ҳамда бошқа мол-мулки ва активлари Департаментга бегараз берилсин” сўzlари қўшилсин;

учинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тугатилаётган ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказларининг бино ва иншоотлари оператив бошқарув ҳуқуки билан “ЎзММИ” давлат корхонасига ҳамда бошқа мол-мулклари ва активлари соҳалари бўйича “ЎзММИ” ва “Республика ССМ” давлат корхоналарига бегараз берилсин”.

3. 1-илова 46-бандининг биринчи хатбошидаги “Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати” сўzlаридан кейин “ва Департамент” сўzlари қўшилсин.

4. 2-илованинг 12-бандига куйидаги мазмундаги д) кичик банд қўшилсин:

“д) давлат назорати учун бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан назорат хариди ва синов лабораторияларида синовларни ўтказиш харажатларини қоплашга йўналтириш”.